

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1520-ҳадис

1520 - وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قِيلَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَيُّ الدُّعَاءِ أَسْمَعُ؟ قَالَ: «جَوْفُ اللَّيْلِ الْآخِرِ، وَدُبُرُ الصَّلَوَاتِ الْمَكْتُوبَاتِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [3499].

1520. Абу Умома розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Қайси дуо эшитиладиганроқ? дейилди. «Кечанинг охиридагиси ва фарз намозлардан кейингиси», дедилар».

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Ҳадисда Абу Умома ҳазратлари дуо ва ибодатлар энг мақбул бўлган вақтларни ўрганишни хоҳлагани ушбу ҳадисида аён бўлмоқда. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай деб айтадилар: «Аллоҳ таолонинг бандасига энг яқин бўлган вақти кечанинг сўнги соатларидир. Бажара олсанг ўша вақтларда Аллоҳни зикр қил!» (Термизий ва Насай ривояти).

Демак, кечанинг охириги соатлари, бошқача айтганда кечанинг учдан бири, Жаноби Ҳақнинг «Менга дуо қиладиган йўқми, дуосини қабул қилай. Мендан бир нарсасурайдиган йўқми, сураган нарсасини берай» деб буюрган. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Фаришталар алмашиш учун тўпланган бир вақт бўлганлиги сабабли Жаноби Ҳақнинг розилигига эришиш учун энг тўғри вақтдир. Бу соатларда намоз ўқиш, Аллоҳга зикр қилиб дуо қилишнинг энг маъқул соатидир. Абдуллоҳ ибн Умар саҳар вақтигача намоз ўқир, кечанинг охириги учдан бирида дуоларнинг қабул бўлишини билганлари учун ўша соатларда дуо ва истиғфор қилар эдилар.

Дуолар энг кўп қабул бўлган бошқа бир вақт эса фарз намозидан кейинги вақтдир. Зеро ибодатларнинг энг каттаси фарз амаллардир. Намоздаги

қиём, рукуъ ва сажда билан инсоннинг Роббига энг яқин бўлган ва Унга бўлган қуллигини энг чиройли шаклда ошкор қилган ҳолидир. Махсус вазифаларнинг адо қилиши туфайли пайдо бўлган яқинлик натижасида қилинган дуолар ҳам қабул бўлади.

Манба: hadis.islom.uz

